

“Сув таъминоти ва оқава сув  
объектлари қурилиши бўйича  
инжиниринг компанияси” УК Фарғона  
вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Р.Холикназаровга

### Техник шарт

Сизнинг 2022-йил 26-Октябрь кунги 495-сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси  
президентининг 2022-йил 25-октябрь кунги  
ПҚ-408 сонли қарорига асосан Риштон тумани Пастки Бешкапа МФЙ ҳудудида яшовчи аҳолини  
тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

### Ичимлик сув бўйича

Риштон тумани Пастки Бешкапа МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи \_\_ м<sup>3</sup> ҳисобланиб,  
Пастки Бешкапа МФЙ ҳудудида 2 дона мавжуд тик ичимлик сув қудугини таъмирлаш лойиҳа ва  
гидравлик ҳисоб китобларига асосан 8 км тармоқ тортилиб МФЙ ҳудуди ичимлик суви билан  
таъминланиб, қурилиш монтаж ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда  
амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик  
коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида,  
тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиҳа институтларини жалб қилган  
ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг,  
қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари қурилиш-  
монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан  
келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли  
қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув  
объектлари лойиҳа-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши  
белгиланган ва 1(бир) нусха лойиҳа смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур  
қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади  
ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб  
ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Риштон туман филиали раҳбари:



*J. Sobirov*

Ж.Собиров

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Риштон туман филиали ИЧБ муҳандиси:

*I. Ma'madaliyev*

И.Мамадалиев